

## АЛИШЕР НАВОИЙ СЎЗ ЛАТОФАТИ ЗИКРИДА (“Маҳбуб ул-қулуб” мисолида)

Бобоназар Муртазоев, Термиз ДУ  
филология фанлари номзоди, доцент

**Аннотация:** Мақолада Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асари мисолида донишмандона айтилган латофатли фикрлар таҳлилга жалб этилган. Зотан “Маҳбуб ул-қулуб” (1500) шоир умрининг сўнгги йиллари ёзилган бўлиб, ҳаётда ва ижода катта тажриба тўпланган барокамол асар намунасиdir. Асарда ҳаётий воқеалар ва уларга муносабат изҳори биринчи режада туради, бу эса унинг фавқулодда аҳамиятини англатади.

**Калит сўзлар:** Оқил, одил, чин, рост, муз, туз, сўз, доно, донишманд, инсон, одам, киши, тузум, сўқмоқ, дўст, ғаним, тил, дил, панд, ўгит.

**Ҳақ йўлида ким санга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила,  
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.**

**Алишер Навоий**

Мутафаккир Алишер Навоий (1441–1501) ўз асарларида асосан чинакам сўз ва тилнинг хос қирралари хусусида ажойиб фикрлар шодасини баён этади. Алишер Навоийнинг ўгит бернишича, ҳар бир ҳаракатдан фойда кутиш нотўғри ва ноўрин экан, чунки бу ҳаракат у яхими, ёмонми фикрда иккиланиш пайдо қиласиди. Шу боис Алишер Навоий сен ўз ҳаракатингнинг шундай томонини танлагинки, унинг мушкули озроқ ва озори камроқ бўлсин, дейди. Буюк шоир кишилардан бир ҳолатга эътибор қаратишни истайди нодон ўгити ва рақиб насиҳатидан ғоятда эҳтиёт бўлиш лозимлигини такрор-такрор уқтиради. Шоир буларни ўзининг “Маҳбуб ул-қулуб” (1500) асарида<sup>1</sup> ошкор этади: “Нодон пандида ғалат муқаррардур ва душман насиҳатида фириб мутасаввардур” (тасаввурдадир.—Б.59). Алишер Навоий айтмоқчи

<sup>1</sup> Навоий, Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.13. – Тошкент:Faafur Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966. –244 б. (Қаранг: – Б.7–84; –Б. 181– 240).

бўлган ўгит шундан иборатки, ҳар қандай фикр тилда ифода этилиб, сўз орқали изҳори амалга оширилади, демак сўз ва тил бир-бирига вобастадир. Дарҳақиқат гап тил орқали сўзда аксини топади, одам сўзлайди, кишининг яхши ва ёмонлиги сўзидан англашилади. Шундан одамлар сўзлаган сўзига қараб ижобий ва салбий табиатлиларга ажратилади, тўғрироғи дўст ҳамда душман дейилади. Алишер Навоий душман сўзини бу ўринда нодон сўзи билан ёнма-ён ишлатилганини юқорида кўриб ўтдик. “Маҳбуб ул-қулуб”даги пандга қайтсак, шоир айтмоқчи нодон ўгити (панди)да хато (ғалат) муқаррар, душман берган насиҳатда эса алдов (фириб) тасавввури (мутасаввар) устун туради. Шоир юқоридаги ўгитга ўта таъсирли байт ила хулоса ясади:

Хуштур хиради кўп эл сўзига кирмак,  
Не бози емак хушу не бози бермак–Б. 59).

Мазмуни:

Яхшидир ақлли эл сўзига кирмок,  
На алданмоқ яхши ва на алдамоқ (– Б.223).

Алишер Навоий тилга ва сўзга кўпроқ диққатни тортади, мутафакирнинг таъкидича, инсон кўнгли қаттиқ сўздан жароҳат олади, аччиқ сўз заҳарли найза кабидир. Кўнгилга қадалган тил яраси битмайди, аммо мулойим калом ва тотли тил, сўзсиз, унинг малҳами бўла олади ҳамда фароғат бағишлайди. “Маҳбуб ул-қулуб”да айтилишича: “Мулойим такаллум – ваҳшийларни улфат сари бошқарур, фусунгар – афсун била йилонни тушукдин чиқарур” – мулойим сўз ваҳшийларни ҳам ажойиб ва мулойим улфатга айлантирап экан, афсунгар эса афсун билан илонни инидан чиқарар экан. Шу тариқа эл ва тил муаммосига чуқур кириб борилади ва унинг нозик фазилатлари ила беўхшов аломатлари нишонга олинади. Чунончи: “тилга ихтиёrsиз – элга эътиборсиз”, деган шоир, тилга ургу бериш билан биргаликда элга ва унинг сўзлашига ҳам эътибор қаратмоқда. Бу борада айтилади: “Ҳарзагўйким (яъни вайсақи) кўп такаллум (сўз) сургай, итдекдурким, кеча тонг отқунча хургай” ёки: “ямон тиллик андоқким, эл кўнглига жароҳат еткуур ӯз бошиға ҳам офат еткуурур”. Шунингдек, “Нодоннинг муваҳҳишиш (ваҳшатли) ҳарзаға (алжираб) бўғзин (томуқ) қирмоғи – эшакнинг жиҳатсиз (ўринсиз) қичқирмоғи (ҳанграшидир)”(–Б.59).

Юқоридагиларга ушбу хилдаги якуний сўз айтилади, яъни ҳар бир яхшилик – яхши сўз орқали амалга ошиши чинакам ҳақиқат экани бот - бот уқтирилади.

Алишер Навоий тил ва сўз ҳақида гапирав экан: “Тилига иқтидорлиғ – ҳакими хирадманд (донишманд), сўзига ихтиёrsиз – лаими нажанд (пасткаш лаққи, аҳмоқ)” (–Б.60). Гўзал ва чиройли сўзли ҳамда ёқимли бўлган тил башарти шу айтилганларни ўзида тажассум этган тил кўнгил билан бир бўлса, нур устига аъло нур бўлур. Демак тил ва кўнгил бирлиги, уларнинг яқинлиги, ҳамкорлиги, муштараклиги ҳақида сўз юритган Алишер Навоий уларни, яъни тил ва кўнгилни инсоннинг энг аъло аъзолари қаторида зикр этади. Бoisи гулсапсар, гулғунча боғнинг ёқимли гуллари бўлгани сингари тил ва дил инсоннинг энг олий аъзолари экан. Тил инсон нутқининг шарафли қуроли, агар ушбу нутқ атрофдагилар хусусида нописанд сўз юритган, ўша тил оғатга мубтало бўлиши муқаррар. Умуман тил ширинлиги, чучуклиги – кўнгилга ёқимли, тилнинг юмшоқлиги кўнгилга фойдали, ростдан ҳам тилнинг ширинлиги, шакарлиги, асаллиги соф, мусаффо, тоза кўнгилларга totlidir. Навоий худди шу ҳодисани кичкинтой болалаларга ҳолва сотувчи юмшоқ табиатли ҳолвафуруушга ўхшатади, ташбихнинг бундан ортиғи бўлмайди. Айни шу фикрларга мос ҳикматлар шодаси келтирилади: “кўнгул махзани (хазина)нинг қулфи тил ва ул махзанинг калидин сўз бил” (–Б.63), “тили ариғ ва кўнгли ариғни мусулмон деса бўлур” – тили покизани, кўнгли тозани, виждони софни мусулмон деса бўлур (–Б.79). кўнгил хазинасининг қулфи тил экан, тил хазинасининг калити сўз экан, “тилинг била кўнглунгни бир тут, кўнгли ва тили бир киши сўзга бут”(–Б.83). Алишер Навоий: “Ҳар кимки сўзи ёлғон, ёлғони зоҳир бўлғоч ўёлғон” (–Б.60) дер экан, ёлғонни чиндек айтиувчини кумушга, олтин қопловчи заргарга менгзайди. Ёлғон сўзловчининг умри ғафлатдадир, қолаверса, сўзнинг хиллари кўп, лекин унинг ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир. Булар ҳам майли “Махбуб ул-қулуб”да гап ташувчилар, чақимчи ғаламизлар – баттол шахслар ушбу хилда таърифини топган: “Улки сўзни бир ердин яна бир ерга еткургай, элнинг ўтган гуноҳини ўз бўйнига индургай”(–Б.61), бу изоҳсиз тушунарли, “Чин сўз мұтабар, яхши сўз мұхтасар” (–Б.63) тўғри сўз мұтабар,

эътиборли, эҳтиромли, эъзозли, ардоқли, яхши сўз эса қисқа ва ихчам бўлар экан. “Сўзида паришонлик, ўзида пушаймонлик” (–Б.63) дейилар экан, бундан мурод, муддао, мақсад шуки, сўзда ишқал бўлса, шу сўзнинг эгасига пушаймонлик шерикдир. Янада ихчамроқ қилиб айтилса, сўздаги пала- partiшлиқ, шу сўзнинг эгасига табиий равища пушаймонлик олиб келиши муқаррарлигига урғу берилади.

Энди “Маҳбуб ул-қулуб” асаридан айрим пандлар, ҳикматлар, ўғитлар ва насиҳатларни келтирамиз, улар бизнинг ҳаётимиз учун кони фойда:

Сиҳат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема...

Сувнинг мазаси муз била; ошнинг мазаси туз била; одам яхшилиғи сўз била (–Б.79).

Эрнинг қилиғи – сутнинг илиғи.

Ишқиз кесак, дардсиз эшак (–Б.80).

Бефойда сўзни кўп айтма ва фойдалиғ сўзни кўп эшитурдин қайтма.

Оз деган оз янгилик, оз еган оз йиқилур (–Б.82).

Чин сўзни ёлғонға чулғама, чин айта олур тилни ёлғонға булғама.

Сўз борким, эшитувчи таниға жон киорур ва сўз борким, айтuvчи бошин елга берур.

Тилинг била кўнгунгни бир тут, кўнгли ва тили бир киши айтғон сўзга бут.

Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт.

Оқил чиндин ўзгани демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас.

Хирадманд чин сўздин ўзга демас,

Вале бари чин ҳам дегулик эмас.

Киши чинда сўз деса зебо дурур,

Неча муҳтасар бўлса авло дурур (– Б.83).

Очиғини айтганда, юқорида айтилган бу мақол, аслида таъбирли ва ибратли ҳикматга лиммо-лим йўғрилган бўлиб, оқил, олим ва донишманд одам эҳтиёткорликка чақирилмоқда. Ҳаммаси чин экан деб лақкийлайвериши, чинакамига олса, оқилни ҳам синдириши муқаррар эканлигига баралла ишора қилинмоқда. Демак чин сўзни айтиш қанчалик очиқ ва ошкор бўлмасин, уни айтишни ҳам ўйлаб кўриш лозим экан.

### Адабиётлар:

1. Навоий, Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.13. Махбубул-қулуб–Муншаот–Вақфия. (нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев).–Тошкент: Фаур Улом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1966.–244 б.
2. Навоий, Алишер. МАТ. Йигирма томлик. Ўн тўртинчи том. Махбуб ул-қулуб. Муншаот. Вақфия. –Тошкент: Ўз Р ФА, 1998. – 315 б. (Махбуб ул-қулуб. Матнни изоҳлар билан нашрга тайёрловчи: Суйима Ганиева).
3. Маллаев, Натан. Ўзбек адабиёти тарихи / [Матн] – Тошкент: “Kafolat print company”, 2021. – 544 б. (Махбуб ул-қулуб: –Б. 410–422).
4. Ўзбек адабиёти тарихи. II том. (XV асрнинг иккинчи ярми). –Тошкент, ЎзССР “Фан” нашриёти, 1977. – 400-бет. (Махбубул-қулуб.– Б. 341– 357)



---

**Research Science and  
Innovation House**